

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”ДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

Зебинисо Исроиловна ШЕРБОЕВА

етакчи илмий ходим

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги

Қонунчилик муаммолари ва парламент

Тадқиқотлари Институти

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада “Темур тузуклари”да жамиятдаги барча табақаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи тамойиллар, уларнинг ижтимоий муҳофазаси таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Амир Темур, “Темур тузуклари”, ҳуқуқ, ижтимоий муҳофаза.

ПРАВА ЧЕЛОВЕКА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА В “УЛОЖЕНИЯХ ТЕМУРА”

Зебинисо Исроиловна ШЕРБОЕВА

ведущий научный сотрудник

Институт проблем законодательства и парламентских исследований

Олий Мажлиси Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируются принципы, защищающие права и интересы всех слоев общества в “Уложениях Темура”, а также их социальная защиты.

Ключевые слова: Амир Темур, “Уложения Темура”, право, социальная защита.

Шу кунга қадар Соҳибқироннинг миллий давлатчилик тарихида тутган ўрни, Мовароуннаҳрда озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш билан бирга марказлашган кучли давлат барпо этгани, салтанатни адолат ва қонунларга асосланиб идора этгани, илм-фан равнақи учун алоҳида эътибор қаратгани ҳамда бошқа улкан хизматлари ҳақида кўп ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик Амир Темурнинг ана шу ўзига хос сиёсати, давлат-ҳуқуқий тажрибаси, услуби ва амалий саъй-ҳаракатларини ўқиб-ўрганиш учун кўплаб, энг муҳими, шу пайтгача тақиқлаб келинган ноёб тарихий манбаларни топиш, ўқиб-ўрганиш, таржима қилиш ва чоп этиш имкониятини берди.

Улуғ шахслар ўз халқини буюк ишларга бошлар экан, уларнинг тарих олдидаги хизматлари ҳам, албатта, буюкдир. Бу ҳолат сиёсат майдонида

Соҳибқирон Амир Темур намоён этган бетакрор даҳолик хусусиятларида ҳам ўзини яққолроқ намоён этади.

Тарихчи олим Ж.Раҳимов “Салтанатнинг Конституцияси мақомидаги Бош қонун-қоидалар мужассами бўлмиш “Амир Темурнинг тузуклари” энг мукаммал бўлиб, барча даврлар учун андоза бўладиган хусусиятларга эгадир. Амир Темур айнан шу “Тузуклари”га таяниб, ўрта асрлар шароитида мўғуллар вайрон этган Мовароуннаҳрни жадал ривожлантириб, дунёнинг энг тараққий этган мамлакатига айлантира олган. Адолат ва барча фуқароларнинг эрки таъминланиб, тинчлиги кафолатланган юртдагина худди шундай заковати ва сиёсий тафаккурнинг юкори – олий чўққиси бўлди. Унинг “Тузуклари” ёхуд Конституцияси энг илғор ғояларни ўзида мужассам этган, адолат ва ҳақиқатга хизмат қилувчи ҳуқуқий бош ҳужжат эди [4; 10].

Истиқлол йиллари мамлакатимизда биринчи маротаба нуфузли ва бирламчи манбалар – “Темур тузуклари” ўзбек тилида тўла чоп этилди ва бир неча бор қайта нашр этилди [2;65].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний ва маънавий қадриятларнинг аҳамияти, жамиятни бошқариш, мулкчилик, савдо-сотиқни ривожлантириш, тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар, қишлоқ аҳолиси фаолияти учун муносиб замин яратиш бериш борасидаги ҳуқуқий ислохотлар, жумладан, Амир Темур тузуклари ва ўғитларига таяниб олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида Соҳибқирон бобомизнинг ҳаёт тажрибасига асосланган қоидалари амалий ҳаётда нақадар аҳамиятли эканини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари доирасида адолатни тиклаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар самарали фаолият олиб бормоқда.

Мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ўқув фанлари жорий этилиб, маърузалар ўқитилмоқда [2;64].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари юқори ва қуйи органларида буюк Амир Темурнинг “Куч адолатда” деган ҳикматли сўзига асосланиб иш юритилмоқда. Бошқача айтганда, ушбу пурҳикмат ибора ҳуқуқий муассасаларнинг амалий шиорига айланган.

Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш масаласига катта эътибор берган ҳолда, бу борадаги тарихий тажриба ва бугунги замонавий амалиётга, миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниб, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан оғишмай, изчил ва дадил одимламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасининг учинчи банди “ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб” қабул қилинди, деб таъкидланган. Албатта, ўзбек давлатчилиги ривожи тарихий тажрибасининг энг муҳим қисми – Амир Темур ва темурийлардан мерос ҳуқуқий, сиёсий ва тарихий манбалардан, айниқса, “Темур тузуклари”, “Бобурнома”, “Жаҳонгир тузуги”, “Хумоюннома”, “Зафарнома” каби кўплаб нодир асарлардан иборатдир. Соҳибқирон қолдирган қонуний меъёрлар ва ҳуқуқий нормалардан Конституциямизнинг турли қисм ва бобларида, жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси”, “Суд ҳокимияти”, “Мудофаа ва хавфсизлик” бобларининг муайян моддаларида, замон талабларини назарда тутган ҳолда, ижодий фойдаланилган.

“Темур тузуклари” дунёнинг турли тилларига таржима қилинган бўлиб, ушбу асар давлатни идора қилиш усуллари, қўшинни ташкил этиш қоидалари, урушларда амалга оширилиши зарур бўлган турли ҳарбий услублар сингари қатор сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий ва ахлоқий ғоялар ва меъёрларни ўз ичига олган. “Тузуклар”нинг марказида инсон, унинг кадр-қимматини жойига қўйиш туради. Шу маънода, Соҳибқироннинг ҳуқуқий қарашларида, аввало, мамлакат ишлари тузуги алоҳида аҳамиятга эгадир.

“Темур тузуклари”да “Салтанат ишларини қонун ва қоидалар, тўра ва тузукка солиб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим”, дейилади ва салтанат обрў-мартабасини сақлашга доир қуйидаги тўртта асосий тузук санаб ўтилади.

Амир Темурнинг ҳуқуқий тизимида жиноятга қўл урган барча кишилар кимлигидан қатъи назар, қонун олдида ҳеч қандай имтиёзсиз жавобгарликка тортилган. Яъни, қонун ҳамма учун бир хил амал қилган, қонун олдида барча – шоҳу гадо тенг, деб қаралган. Бу ҳақда, жумладан, Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: “Агар биров бировга зулм қилса, – ҳаттоки, у Темурга ота ёки бола ўрнида бўлса ҳам – ёки заррача бўлса ҳам ноҳақлик кўрсатса, ёки наҳбу ғорат тўғрисида сўз очса, зинҳор унинг мол-мулкию қони (беҳудага) оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарами таҳқир қилинар эди. На надомат, на шафоат (тилаш) унга нажот келтирмас, аҳли ва хизматкорлари унга наф қилмасди ва бирон кимса томонидан “у билмасдан шундай (иш) қилиб қўйибди”, - дейилмасди. Бу, гўёки бузилмас (қатъий) бир қоидаю емирилмас – (мустаҳкам) бир бино эди” [1;328].

Ҳуқуқшунос олим А.Саидов Ибн Арабшоҳнинг бу фикрларини қуйидагича изоҳлайди: “Гарчи, Амир Темурни қоралаш нуқтаи назаридан, бор маҳоратию, нафратини мужассам этган ҳолда, ўта салбий мазмундаги сўз ва ибораларни астойдил топиб ишлатгани шундоққина кўриниб турган бўлишига қарамай, юқоридаги фикрлардан Соҳибқирон бобомиз бугунги кунда тараққий топган дунё мамлакатларида минг бир машаққат билан барпо этилаётган ҳуқуқий давлатнинг асосий принципларини, хусусан, қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг тенглиги, жиноят учун жазонинг муқаррарлиги каби муҳим тамойилларни ўша даврдаёқ тузуклари тимсолида ишлаб чиққани ва қатъият билан амалда қўлланганини англаш қийин эмас” [2;59].

Соҳибқирон ҳазратларининг бемисл тараққиётга йўл очган давлат бошқаруви ўша пайтдаги заиф Европа давлатлари қироллари ва жамиятининг кўзини очди. Зеро, у даврда Ватикан олий Руҳонийсига Ғарб давлатларининг дунёвий, сиёсий ишлари мутлақ қарам, маърифат йўли эса бўғилган эди. Бу

вақтда Амир Темур исломнинг йирик вакиллари маънавий-руҳий тарафдан ўзи қураётган адолатли тузумни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларига сафарбар қилиб бўлган эди. Натижада дунёвий давлат ҳам, дин ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб сиёсий, иқтисодий ва маданий юксалиш сари барча кучларини бирлаштирган ҳолда қонунчилик доирасида ҳамнафас бўлдилар. Оддий фуқародан тортиб, олий амалдорларгача қонун олдида тенг эдилар. Табақалар, гуруҳлар ўртасида чинакам бирлик, иттифоқдошлик содир бўлди. Қайси соҳа бўлмасин, ким бўлмасин, салоҳият ва истеъдодлари қўллаб-қувватланди, рағбатлантирилди. Ким давлат ва жамият равнақида фидойилик қилиб хизмат кўрсатса, давлат назаридан четда қолмади. Кимки, меҳнатсиз йўл билан, яъни алдамчилик, ғирромлик, ўғрилик, босқинчилик, йўлтўсарлик билан жамият ҳаётига тўсиқ бўлса ёки зид иш қилса, жазосиз қолмади. “Тузуқлар”даги қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш барчадан – оддий халқдан то олий амалдорлар табақаларигача бир хил талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур эркин ҳуқуқий-фуқаролик жамиятини жаҳонда биринчи бўлиб бунёд этган эди. Бу унинг жаҳон сиёсий ҳаётидаги буюк хизмати бўлди [4:10-11].

Давлат бошлиқларининг бурчи сифатида эса халқ ҳақида ғамхўрлик қилиш, эл-юрт осойишталиги учун курашиш, қонунлар ижросини назорат қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш, суғориш иншоотлари, йўллар, кўприклар қуриш, олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатиш, ҳақиқатпарвар бўлиш, мазлумларни ҳимоя қилиш, ноҳақ қон тўкилишига йўл қўймаслик, бегуноҳ кишини ноҳақ жазоламаслик, умуман, ҳукмга қатъий эътибор бериш, халқлар ўртасидаги тинчликни сақлаш, ўз фуқароларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз фуқаролари соғлиги, номуси, қадриятлари ҳамда мол-мулкини ўғрилар, босқинчилар, жиноятчилардан ҳимоя қилиш, маорифни ривожлантириш, фаннинг турли тармоқларининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, илм аҳлига ҳомийлик қилиш, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилиб бориш, ҳарбийларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиш кабилар келтирилган.

Айниқса адолат, зулмдан ҳимоялашга катта эътибор берилган. Темур тузукларида Соҳибқирон пирининг “Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди” [3;136] деган фикрини келтиради.

Булардан ташқари эса халқ ўз ҳукмдорига ишониши, уни қўллаб-қувватлаши кераклиги, ҳукмдор ва халқнинг ўзаро келишуви – давлат мустақамлигининг энг муҳим принципи эканлиги, жамият подшоҳга хизмат қилмай, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши кераклиги қайд этилади.

Давлат бошлиқлари зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларни жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши кераклиги, ҳукмдор ўз фуқаролари билан доимо мулоқотда бўлмоғи кераклиги кабилар ҳам раҳбарнинг вазифаси сифатида таъкидланган. Ҳукмдор доимо ҳар қандай масалани ҳал этишда, энг аввало ўзини оддий фуқаро ўрнига қўйиб кўриши кераклиги илгари сурилган.

Бир сўз билан айтганда, Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари ва амалий фаолияти ҳар доим адолат ва инсоф меъёрлари билан ҳамоҳанг бўлган. Соҳибқирон салтанатида касбу ҳунар ва маърифат аҳли мунтазам иш билан таъминланган. Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун ҳазинадан етарли миқдорда олтин берилган. Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғлик ва меҳнат қуроллари тайёрлаб берилган. Агар қайсидир фуқаронинг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, унга керакли ёрдам кўрсатилган, шу жумладан, улар зарур ускуна ва қурилиш ашёлари билан таъминланган. Амир Темур давлатида инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бундай мисолларни яна қўплаб келтириш мумкин. Зеро, “Темур тузуклари” инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосланган қоидалар мажмуидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”). 1-китоб. / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – 328 б.
2. Корен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 2016.
3. Темур тузуклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 136 б.
4. Раҳимов Ж. Амир Темур “Тузуклар”ида адолат ва қудрат мезон. //Бобур ва дунё журнали, № 2. – 2017. – Б. 10-11.